



МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР НУТКИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА МУОМАЛА ЭТИКАСИ

Каримжанова Дилноза ¹

Ўқитувчи

Куранбоева Дурдона Элмурод кизи ²

ТВЧДПИ 2-курс талабаси

1-2 Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6621499>

ARTICLE INFO

Received: 28th May 2022

Accepted: 02nd June 2022

Online: 05th June 2022

KEY WORDS

бола, нутк, этика, суз
бойлиги, муомала,
мактабгача давр.

ABSTRACT

Маколада мактабгача ёшдаги булган болалар нуткининг ривожланиши, сузларни тугри талаффуз килиниши ва суз бойлигининг ортишида муомала этикасининг урни хакида маълумотлар келтирилган.

КИРИШ

Ўзбекистон уз мустакиллигини кулга киритган дастлабки кунларданок янги, ривожланган жамият куриш йулига кирди. Захматкаш халкимиз узининг фидоий меҳнати ва тинч ҳаёти билан дунёдаги тараккий топган мамлакатлар каторидан мустаҳкам урин эгаллаш максадида барча соҳаларда чуқур ислохотларни амалга ошира бошлади. Келажаги буюк давлат барпо этиш борасида амалга оширилаётган барча тарихий узгариш ва янгиланишлар юртдошларимиз калби, онги ва шуурига улкан таъсир курсатмоқда. XXI асрга кадам қўйган ўзбек халқининг миллий тараккиёт йулидаги бош гоёси - бу озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Албатта ушбу гоёни амалга оширишда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий йуналишлар билан бир каторда баркамол авлодни вояга етказиш, улар нутқини устириш муҳим урин тутди.

Нутқ маданиятининг ривож топишига улкан ҳисса қўшган Юсуф Ҳос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий, Имом ал-Бухорий. Имом ат-Термизий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Рудакий каби буюк даҳолар яратган асарларда нутқ ва унинг инсон ҳаёти, фаолиятдаги аҳамияти эркин мисолларда уз ифодасини топган. Шунингдек, Бехбудий, Фитрат, Кори-Ниёзий, Мунаввар Кори, Саидрасул Саидазизов ҳам узларининг ижод намуналарида бола нутқини устиришда асосан нималарга эътибор бериш кераклиги хакида кимматли фикрларни билдирганлар.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Баркамол, ҳар томонлама етук ва соғлом фарзанд тарбияси оиладан, хали бола тугилишидан олдин бошланади. Бола тугилгунигача унинг тула қонли ва сифатли, ҳар томонлама соғлом ва етук бўлиши бўлиши учун шароитни тайёрлаш керак. Аввало ота-онанинг



узи фарзанд куришга ва уни тарбиялашга тайёр булиши керак, улар хам рухан хам иктисодий томондан тайёр булишлари талаб этилади.

МУҲОКАМА

Болалар дунёга келган кундан бошлаб улар билан бурро, хар бир сузни тулик ва тугри талаффуз этиш талабэтилади. Масалан: нон-"мамма", сув-"бувва" ва шу каби нотугри сузлар билан алмаштирилмаслиги керак.

Хусусан, болаларнинг уч ойлигидан бошлаб нутк муомаласига катта эътибор бериш керак. Болаларда кун сайин суз бойлиги ортиб боради. Ёшлар кесимида куриб чикадиган булсак, 1 ёш 3 ой бола 6 тага якин сузни билади. Оддий талабларни тушуна олади, таниш сузларни расмда курсата олади, 1 ёш 6 ой тана аъзоларининг 1/2 кисмини айта олади, 7-20 тагача сузни билади, 1 ёш 9 ой танасининг 3/4 кисмини айтади, 20 та сузни билади. Икки суздан иборат булган ибораларни куллайди. Масалан: "овкат бер", "бобо келди", 2 ёшда бола танасининг 5 кисмини айта олади, 50 га якин сузни билади. Икки боскичли ибораларни тушунади "сочикни олиб кел", "ташкарига чикиб", "оёк кийимингни еч". "Мен", "Сен", "У" каби сузларни фарклай олади, тушунади. Иборалари икки суздан иборат. п, б, м, ф, в, т, д, н, к, г, х харфларни айта олади, с, з, ш, ж, ч, р, л харфларни одатда колдириб кетади.

НАТИЖА

Мана шу даврда бола колдириб кетадиган, сузларидаги камчиликларини тугри талаффуз килиббола билан тез-тез такрорлабтуриш керак. Болани эркалаб, аксинча у билан кушилиб ота-онанинг узи хам бола сингари сузлашмаслиги

керак. 2 ёш 6 ой бу ёшда бола сонларни тушуна бошлайди. "Нима?", "Каерда?" саволларни тушунади. с,з,л харфларини айта олади. 3 ёш боланинг суз бойлиги 250-700 гача, иборалари бир нечта суздан иборат. Купликни билади. "Чунки", "Агар", "Качон" сузларини ишлата олади. Кийин талабларни тушунади. Масалан: косанинг овкати кошикда е. Енгил эртакларни эшитиб, тушунади. 4 ёш.

"Канча", "Урнига", "Кейин", "Каерга" каби сузларни ибораларда ишлата олади. Суз бойлиги 1500-2000 гача. "Болаларча" харфларни юмшатиб гапириши йуколади. 5 ёш Боланинг суз бойлиги 2500-3000 га етади. Тилдаги барча харфларни бемалол айта олади. Кийин ибораларни куллаб, уз фикрини, истагини ифодалай олади. Суздаги харфлар тартибини алмаштирамай гапиради. 5 ёшдан 7 ёшгача 7 ёшга келиб бола суз бойлиги 3500 га якин булади. Бунда таъсуротли сузлар сони купаяди. Болада тилга эътибори ошади. Атроф-мухитни суз билан бахолай олиш кобилияти булади. Боланинг психологик холати мактабга тайёрланади.

ХУЛОСА

Мактабгача таълим ёшидаги болалар етарлича фикрини аник ва равон ифодалай олмасликларининг асосий сабаби шундаки:

- 1) болалар нуткидаги нуксонларни бартараф килиш;
- 2) тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг нутк маданиятини ривожлантириш;
- 3) суз бирикмаси, лугат, гап устида ишлаш оркали огзаки ва ёзма нутк устириш;
- 4) богланишли нутк устида ишлашда уйин ва машк машгулотларидан



фойдаланиш усуллари ишлаб
чикилмаган.

Боланинг нутки 1 ёшдан сунг хам
бискичма-боскич ривожланади. Ҳар бир
боскичнинг узига яраша ютуғи мавжуд.

Юкоридаги бёш боскичларини тугри
ташқил қила олинсагина болаларда
нафакат сузларни тугри талаффуз
қилиш балки суз бойлиғи хам ортиб
боради.

References:

1. «Ўзбекистонда мактабгача таълим тизимини модернизациялаштириш – юксак маънавиятли келажак авлодни тарбиялаш негизидир» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. - Т., 2009. М.Усмонова.
2. 6-7-ёшли болалар нутқини ривожлантиришда таълимий машғулотларнинг ўрни. Журнал дошкольного образования, (№1) Усманова, М. (2021).
3. Кичик мактаб йошдаги боланинг мотивация соҳасини ривожланиши: Журнал дошкольного образования, 2(2).
4. А.Каримжанов, Д.А.Каримжанова. "Ўқув муассасаларда меъёрий ҳужжатларни юритиш." Ўқув қуланма. Ташкент, 2020 й.
5. А.Каримжанов, Д.А.Каримжанова. "Бозй ва инкишофи нутқи наврасон". Ўқув қуланма. Ташкент, 2021 й.